
Халқ қабулхонаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бешариқ туманидаги "Халқ қабулхонаси"да навбатдаги қабул ўтказилди. Қабулга 67 нафар фуқаро ёзилган бўлиб уларнинг барчасининг мурожаатлари бирма-бир эшитилди. Туман ҳокими Р.К.Жўраев ва соҳавий ўринбосарлари ҳамда ташкилот муассаса раҳбарлари иштирокида мурожаатлар кўриб чиқилди. Мурожаатга келган фуқаролари ўзларининг ижтимоий, маиший, оилавий масалаларга доир муаммолари юзасидан тегишли мутасаддилар иштирокида жавоб олдилар. Мурожаатларнинг айримларига шу ернинг ўзида тушунтиришлар берилиб, назоратга олинди.

2022-01-14 17:47:00